



## СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК, МОДЕЛЛАРИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРНИ

Хайриддинов Шухрат Ботирович,

ҚарДУ ўқитувчи

Мухаммадсолиев Миродилжон Мирзохид ўғли,

ҚарДУ талабаси

**Аннотация:** Мақолада суғурта бозорининг мамлакатимиз молия тизимидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга оид баъзи долзарб масалалар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** суғурта, суғурта соҳаси, тўлов қобилияти, суғурта рискларини, тўловлар усули

**Аннотация:** В данной статье освещены некоторые актуальные вопросы, касающиеся укрепления роли рынка страхования в финансовой системе страны.

**Ключевые слова:** страхование, страховая отрасль, платежеспособность, страховые риски, способ оплаты

**Annotation:** This article describes the position of insurance market in financial system and focuses on some problems belong to strengthening its role

**Keywords:** insurance, insurance industry, solvency, insurance risks, payment method

Ҳар бир мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий суғуртаси ўзининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий йўлидан ўтди, аммо уларнинг ривожланиши учун қўйилган вазифаларнинг барча ўхшашлиги билан уларни ҳал қилиш усуллари ва ёндашувлари сезиларли даражада фарқ қилади. Ижтимоий суғурта давлат ижтимоий сиёсатининг асосий қисмидир. Мамлакатда ривожланган ижтимоий суғурта тизими фуқароларга самарали ҳимоя механизмларини тақдим этади ва шу билан биргаликда иқтисодий барқарорликни таъминлайди ва жамиятда ижтимоий бирдамлик муҳитини яратди. 2021-йил 23-октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5265-қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, миллий суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини оширишди Ўзбекистон республикасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари жисмоний ва юридик шахслардан олган мажбуриятларини тўлиқ таъминлаш мақсадида тўлов



қобилияти меъёрларига қатъий амал қилишлари шарт. Тўлов қобилияти таъминлашдаги меъёрлар қуйидагилардан иборат бўлади: 1) тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи; 2) алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар ва қайта суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори; 3) суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори. Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорини тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдорига бўлган нисбатига тенг бўлиб, 1 дан кам бўлмаслиги шарт. Суғурталашнинг умумий тармоғи билан шуғулланувчи ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори бўлиб, қуйидаги учта миқдорнинг энг каттаси ҳисобланади: а) суғурта суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори; б) «мукофотлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор; в) «тўловлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор.

«Мукофотлар усули» бўйича миқдор умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффицентни ўтган ўн икки ой мобайнида барча суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммасидан, ушбу давр мобайнида тузилган суғурта ва қайта суғурта қилиш шартномаларининг бекор қилиниши муносабати билан суғурта қилдирувчиларга қайтарилган суғурта мукофотларини чегириб қолиб аниқланган миқдорнинг 20 фоизига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқиб аниқланади. Суғурта умумий тармоғининг 11 ва 13 классларга бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари 50 фоизга ошириш йўли билан аниқланади.

«Тўловлар усули» бўйича миқдор, қуйидаги тартибда ҳисоблаб аниқланади: ўтган ўттиз олти ой мобайнида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари суммасининг 10 фоизини ташкил этувчи миқдорга кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб аниқланади. Суғурта умумий тармоғининг 11 ва 13 классларга оид шартномалар бўйича суғурта товонлари 50 фоизга оширилади; ҳисобот санасига хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг 10 фоизини ташкил этувчи миқдорга кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб аниқланади. Суғурта умумий тармоғининг 11 ва 13 классларга оид суғурта ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси 50 фоизга оширилади. Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффицент ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонларидан қайта суғурталовчиларнинг улушларини чегириб қолинган суммани ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммасига нисбати сифатида ҳисобланади. Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффицент 0,5 дан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ҳисоб-китоб натижасида аниқланган катталик 0,5 дан кам бўлса, ҳисобкитобни амалга оширишда умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффицент сифатида 0,5 қабул қилинади. Тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори суғурталовчи балансининг пасив қисмидаги ўз маблағлари





манбаларининг суммасидан куйидаги баланс моддаларининг суммасини айириб ташлаш орқали аниқланади: номоддий активлар (суғурта ташкилоти активларининг 10 фоизидан ошмаган миқдордаги суғурталовчининг ва асосий фаолияти учун харид қилинган дастурий таъминот бундан мустасно); таъсисчиларнинг устав капиталига қўшилган улушлари бўйича қарзи; мақсадли тушумлар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар; таъсисчиларнинг устав капиталига қўшган улушлари доирасида тақсимлаш учун мўлжалланган фойданинг тақсимланмаган қисми; таъсисчиларга, акциядорларга ва ходимларга берилган қарзлар, шунингдек ушбу қарзлар бўйича жамғарилган фоизлар; дебитор шахсларнинг қарзлари; суғурта ёки қайта суғурта шартномаларида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар томонидан тўланмаган суғурта мукофотлари; берилган кафолатлар; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар.

Суғурта ташкилотларининг жами мажбуриятлари миқдорининг ва алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятлари миқдорининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори суғурта захиралари ва ўз маблағлари манбалари суммасининг 20 фоизидан ошмаслигини таъминлашлари керак.

Тўлов қобилиятини таъминлашни амалиётга татбиқ этиш долзабрлиги нуқтаи назардан куйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- суғурталовчи ёки қайта суғурталовчи суғурта шартномалари шартларида белгиланган суғурта ҳодисалари натижасида юз бериши мумкин бўлган энг юқори зарар кўришини поргнозлаш ва баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

- суғурта рискларини аниқ прогнозлаш орқали суғурта захираларини шакллантириш ва суғурта қопламалари суммасини прогнозлаштириш натижасида тўлов қобилиятининг аниқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш;

- суғурта қопламалари суммасини прогнозлаштириш натижасида суғурта компаниялари учун тизимга солинган мажбуриятлар ҳажми, молиявий таъминланганлиги, мажбуриятлардан бўш турган активларнинг таркиби ва баҳоси, уларни даромадга олиш ёки зарарга ўтказиш бўйича ҳисоб-китобларини ягона услубиётини ишлаб чиқиш ва уни ҳисоб сиёсатида акс эттириш зарур.

Иқтисодий тараққий этган давлатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик Фуқаролар фақат ўз ҳаётларинигина эмас, балки бутун мол-мулкни, фарзандларининг ҳаётини тўлиқ суғурталагани айни ҳақиқатдир. Улар суғуртани «тинч ҳаёт кечириш учун тўлов» деб талқин этадилар. Бу ўринда мазкур давлатларда суғурта муносабатлари бир неча ўн ва ҳатто юз йиллардан бери ривожланиб келаётганига эътиборни қаратиш



лозим. Суғуртанинг моҳияти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янги мазмун касб этди. Истиқлол йиллари суғуртанинг янада ривожланиши учун шундай қулай шароитлар яратилдики, бунинг натижаси ўларок, суғурта бозори кескин суръатларда ривожланмоқда. Агар собиқ иттифоқ даврида мамлакат ичкарасидаги барча суғурта ишлари фақат «Госстрах» деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 40 га яқин суғурта ташкилоти томонидан 200 дан ортиқ суғурта хизмат турлари кўрсатилмоқда ва ушбу ҳолат суғурта бозорининг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини орттирмоқда. Суғурта ташкилотларининг сонининг ортиб бориши суғурта қилдирувчиларга танлаш имконини беради, ўзаро рақобат муҳитини шакллантиради ва иқтисодиётнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатиш имконини беради. Суғурта бозорининг тез суръатларда ўсиши молиявий тизимнинг ривожланиши ва жамиятнинг ривожланишга қараб илдамлашида муҳим аҳамият касб этади. Суғурта бозори худудий жиҳатдан миллий, минтақавий ва жаҳон суғурта бозори кўринишида шаклланади. Миллий суғурта бозорининг асосини давлат ичида ташкил этилган суғурта ташкилотлари ташкил этади. Ушбу бозорга таъсир кўрсатувчи омилларни ташқи ва ички омилларга бўлиш мумкин. Ташқи омилларга давлатнинг иқтисодий ва суғурта сиёсати, ушбу мамлакатга чегарадош давлатлар ва жаҳондаги иқтисодий ҳолат, суғурта бозорларининг таъсири, молиявий инфляция, валюта курсининг ўзгариши кабиларни киритиш мумкин. Ички омиллар сифатида бозор инфратузилмасининг шаклланганлик ҳолати, ташкилотларнинг капитализация даражаси, малакали кадрлар билан таъминланганлиги, потенциал суғурталанувчиларнинг демографик ҳолатини келтириш мумкин.

Ижтимоий суғурта тизими замонавий жамиятнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Белгиланган вазифаларнинг барча ўхшашлиги билан ҳар бир мамлакатда ижтимоий суғуртанинг ривожланиши ўзига хос тарихий ноёб йўлни босиб ўтди. Давлат ҳукумати ижтимоий сиёсатини мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя асосий 3 та модель хусусиятларига мослаб қурилган: Бисмарк (континентал, консерватив), Беверидж (англосаксон, либерал) модели ва хусусий-корпоратив (аралаш, скандинавия) модели.

Континентал модель қуйидаги уч асосий хусусиятдан иборат:

Ушбу модель инсоннинг касбий фаолияти давомийлиги ва ижтимоий таъминот даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни тавсифлайди.

Асосий тамойил сифатида бозор ва давлат назорати остида ижтимоий суғурта тамойилига эътибор қаратилади.





Жамоат ташкилотлари ва хайрия фондлари фуқароларнинг ижтимоий таъминотида жуда фаол ҳисобланади.

Германия континентал моделнинг барча тамойилларини амалиётга тўлиқ жорий эта олгани билан ажралиб туради. Бу давлатда суғурта қонунчилигининг асосчиларидан бўлиб, мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий рол ўйнаган канслер Отто фон Бисмарк ҳисобланади. У биринчи бўлиб мамлакат аҳолисига маълум ижтимоий кафолатлар берадиган бир қатор қонунларни қабул қилди. Улардан асосийлари “Саноат ходимларининг касаллигини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун (1884), “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун (1885) ҳамда “Ногиронлик ва қариликни суғурталаш тўғрисида”ги қонун (1891).

Англосаксон модели-давлатнинг ижтимоий таъминлашнинг англосаксон (либерал) модели юқорида тавсифланган континентал моделдан сезиларли даражада фарқ қилади. Ушбу модель асосчиси 1941-1942 йилларда Буюк Британияда ижтимоий суғурта ислохотлари бўйича ишчи гуруҳни бошқарган инглиз иқтисодчиси Уильям Беверидж ҳисобланади. Беверидж ижтимоий суғурта тизимида бадалларнинг ягона миқдорини ва ижтимоий таъминотнинг ҳар хил турлари учун тўловларнинг бир хил миқдорини белгилашни таклиф қилди. Олинган бадаллар ва тўловлар миқдори олувчининг ижтимоий суғурта тизимидаги иштироки ва у томонидан ўтказилган бадаллар миқдоридан қатъи назар, маълум бир гуруҳга мансублиги асосида белгиланди. Яшаш минимуми белгилаш таклиф қилинди. Агар фуқаро ўзини яшаш минимум билан таъминлай олмайдиган бўлса, давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

**Хулоса** қиладиган бўлсак, барча ижтимоий суғурта моделларида ва юқорида кўрган барча давлатларимизда ижтимоий нафақаларнинг тўланиши асосий қисми даромадини йўқотган фуқароларнинг ижтимоий таъминлашга йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Лекин бунда ҳамма тизимлар ўз характерли хусусиятларига эга. Ижтимоий суғурта тизimini ташкил қиладиганда мамлакатдаги мавжуд иқтисодий вазиятни, халқнинг иқтисодий менталитетини инобатга олиш керак. Амалда қўлланилаётган молиявий-иқтисодий инфратузилманинг афзал томонларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti 2021-yil 23-noyabr, O‘RQ-730-son Toshkent sh., (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 24.11.2021-y., 03/21/730/1089-son)
2. 2021-yil 23-oktabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Sug‘urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug‘urtasi sohasini rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PQ-5265-qarori qabul qilindi



3. Ўзбекистон Республикаси 358-II-сонли «Суғурта фаолияти тўғрисида» қонуни 2002 йил 5 апрел.
4. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasi rivojlanishining beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha harakatlar strategiyasi
5. “Ish beruvchiining fuqarolik javobgarligini majburiy sug‘urta qilish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Qonuni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – T.: Adliya vazirligi, 2009. – 16-son.
6. Sug‘urta ishi–Kenjayev I. G’. Ochilov I. K. Shennayev X. M. Shirinov S. E.– Суғурта иши–Кенжаев И. Ф. Очилов И. К. шеннаев Х. М. ширинов С. Е.
7. Т. С. Маликов, Н. Х. Хайдаров, МОЛИЯ: умумдавлат молияси, Ўқув қўлланма. – Т: IQTISOD-MOLIYA, 2009, 426-бет
8. Seth Kravitz, Lev Barinskiy, Matt Wilson “Mastering Insurance Marketing”, CreateSpace Independent Publishing Platform, UK, 2010.
9. Эргашев С. К., Хайриддинов Б. Е., Аширбоевич Н. Ф., Хайриддинов С. Б., Нурматова Д. Дж. (2020). Проведен расчет экономической теплозащиты и энергоэффективности системы наружных и внутренних ограждений в животноводческих и птицеводческих помещениях. Международный журнал психосоциальной реабилитации, 24 (04), 7131-7137.
10. Ботирович К. А., Батырович К. С. (2021). ЗНАЧЕНИЕ МЕСТНЫХ НАЛОГОВ В ФОРМИРОВАНИИ ДОХОДНОЙ БАЗЫ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ: ПРИМЕР СОВРЕМЕННОГО МИРОВОГО ОПЫТА. Тематический журнал коммерции и менеджмента, 5 (1).
11. Ботирович К. А., Батырович К. С. (2021). Доходы местных бюджетов как важное звено территориальной доходной власти. *Американский журнал экономики и управления бизнесом*, 4 (5), 1-4.